



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShqARUVINING QARORI

Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9¹-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 1291, 2003 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон) билан тасдиқланган Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9¹-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“банк ёки молия соҳасида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси.”.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

Тошкент ш.,
2019 йил “16” март,
5/19 - сон